Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 169 (21. 268) 1992 йил 27 август, пайшанба

ОБУНАЧИГА — 1 СЎМ 50 ТИЙИН. СОТУВДА — КЕЛИШИЛГАН НАРХДА.

ТИНЧЛИК ◦ ХАМКОРЛИК ◦ МУСТАҚИЛЛИК ◦ ЎЗБЕКИСТОН 1992·1 сентябрь

Ҳар бир фуқаронинг мустақил давлат билан мағрурланиши унинг ўз давлатининг мустаҳкамланиши ва гуллаб-яшнаши учун шахсий ҳисса қўшишга тайёрлигидандир

(«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИДАН).

УКРАИНА—ЎЗБЕКИСТОН:

Давлатлар даражасидаги муносабатлар

25 август куни Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикасининг давлат делегацияси Украинага расмий ташриф буюрди. Украина пойтахтининг Бориспол аэропортида олий мартабали Ўзбекистонлик меҳмонларни Бош вазир В. Фокин, ташқи ишлар вазири А. Зленко, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Ўзбекистонлик меҳмонлар Киевга келгач, Ўзбекистон Президентини ва унинг ҳамроҳларини тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Украина пойтахтининг марказида, Мария саройи ёнида Ислом Каримовга Украина Президенти Леонид Кравчук пешвоз чиқди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, иккала давлатнинг байроқлари кўтарилди. Украина ва Ўзбекистон Гимнлари янгради.

Сўнгра Президентлар якка-якка учрашув ўтказишди. Шундан кейин музокаралар кенг таркибда давом эттирилди.

Шу куни кечқурун икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Иккала давлат Президентлари давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги, Украина билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартномага имзо қўйдилар. Украина Бош вазири В. Фокин билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов Украина ва Ўзбекистон ҳукуматлари ўртасида 1993 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги шартномани имзоладилар. Икки мустақил давлат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш ҳақидаги протокол ҳам имзоланди.

Мазкур ҳужжатлар имзолангандан кейин Президентлар — Ислом Каримов билан Леонид Кравчук украин, ўзбек ва чет эл журналистларининг саволларига жавоб қайтардилар.

Улар Киевда имзоланган ҳужжатларни юқори баҳоладилар, бу ҳужжатлар Украина—Ўзбекистон муносабатларини сифат жиҳатидан янги поғонага, икки мустақил давлат ўртасидаги ўзаро муносабат поғонасига кўтариш имконини беражагини айтдилар. Иккала Президент Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий, шунингдек, ўзаро манфаатли иқтисодий ва маданий алоқалар иккала давлат халқларининг фаровонлиги йўлида тез ривожланиб боришига ишонч билдирдилар.

Журналистлар билан учрашув тугагач, Украина Президенти Леонид Кравчук Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шарафига расмий зиёфат берди.

26 август куни эрталаб олий мартабали ўзбекистонлик меҳмон ва унинг ҳамроҳлари Украина пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Соат 12 да Мария саройи ёнида Ўзбекистон Президентини расмий кузатиш маросими бўлди. Чошгоҳда Ислом Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси Тошкентга учиб кетди.

А. СИРОЖИДДИНОВ,
И. ГРУШКО,
ЎзА мухбирлари.
Тошкент — Киев.

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИ—ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ

1 сентябрь республикамизда умумхалқ байрами — Мустақиллик куни. У серқуёш Ўзбекистонимиз кўп миллатли халқларининг энг севимли байрамига айланади.

Хўш, жойларда бу улуғ санани қандай кутиб олишяпти? Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларни ривожлантиришда қандай ишлар қилинмоқда? Яқин йиллардаги истиқбол қандай тасаввур этиляпти?

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти ушбу саволларга жавоб бериш мақсадида рўзнома саҳифаларида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри йўқламасини ўтказишга қарор қилди.

«Мустақиллик йўли — истиқбол йўли» рукни остида олиб бориладиган байрам йўқламасида биринчи сўз — Ўзбекистон мустақиллиги тантанали равишда эълон қилинган республика пойтахти — Тошкент шаҳрига берилади.

(Иккинчи саҳифага қаранг).

Барот БОИҚОБИЛОВ.

ТЎЁНА

Мустақиллик ийдига[1] ажиб эҳсон келтирдим,
«Чоркитоб»дан иборат ўтлуғ девон келтирдим.

Ўпиб Ҳазрат илкини ўн беш йиллар муқаддам,
Истиқлол кулган кунда элга имкон келтирдим.

«Шукуҳли карвон» билан йўлга чиқиб субҳидам,
«Нотинч Хуросон» ичра шомда армон келтирдим.

Она юртдек сийлади «Сокин Хуросон» мани,
«Қонли Хуросон» ила шеърга дармон келтирдим.

«Навоийнома» дебон «Чоркитоб»га қўйдим ном,
Олий Ҳазратдан элга гўё фармон келтирдим.

Ўттиз беш минг мисрани жон ипига тизибмен,
Эллик босма тобоқни эсон-омон келтирдим.

«Шоҳнома»ю «Хамса»га ҳавас кўзин тикибмен,
Кошки, қисматдош бўлса, қаламга шон келтирдим.

Маснавийнинг қуриган ариғидан оқди сув,
Қақраб ётган даштига боғу бўстон келтирдим.

Унинг сўнгсиз йўлида ҳайиқарди сарбонлар,
Хароба манзилига улуғ карвон келтирдим.

Замона шоирлари маснавийни унутмиш,
Ўлик жасадга гўё руҳ ила жон келтирдим.

Мевали дарахтга тош отадурлар азалдан,
Кўксим яра бўлмасин зирҳу қалқон келтирдим.

Мискин улус кўнгилни истиқлол этди обод,
Дил тўридан жой бергай, азиз меҳмон келтирдим.

Хўб ўлса раҳмат айтгай, саҳв ўлса кечиргай,
Улус еттай қадрига, дилда ниёмон келтирдим.

Сен мустақил бўлдингу кўксимга тегди шамол,
Қабул айла она юрт — Ўзбекистон келтирдим.

1. Ийд — байрам

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

● **НАВОИЙ шаҳридаги дон маҳсулотлари комбинати ҳузуридаги харидоргир нон ишлаб чиқариш заводида иш бошлаганига анча бўлди.**

Яқинда мазкур заводнинг иш унуми янада оширилди. Бунга Югославиядан келтирилган ярим автоматик тарзда ишлайдиган қурилмаларни ўрнатиш эвазига эришилди. Натижада ишлаб чиқарилаётган нонлар қаторига яна 12 турдаги хуштаъм ширмойлар қўшилди. Бу замонавий қурилма ёрдамида бир кеча-кундузда 3 тонна ундан нон ёпилмоқда.

Қизилтепа районидаги Шехон қишлоғида эса ҳашар йўли билан қурилган кичик ғишт заводида ҳар куни 10—12 минг дона ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур завод ишга тушиши биланоқ 18 нафар қишлоқ йигитлари ишда ўз ўрнини топди. Завод қурилиш ташкилотлари ҳамда шахсий уйжой эгаларини хом ғишт билан таъминлаяпти.

Музаффар ШАРОПОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ С. С. РЎЗИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Собиржон Собитович Рўзиев Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт комитетининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 26 август.

ОНАХОНЛАРГА ПРЕЗИДЕНТНИНГ БАЙРАМ СОВҒАСИ

Июнь ойи ўрталарида етмиш етти ёшли Саломатхон ая Раҳмонова қудаси 72 ёшли Эргашхон ая Ашуровага:

— Эргашхон, мана иккаламиз ҳам нафақа оламиз. Уй-жойлардан, фарзандларимиз, невара-чеваралардан кўнглимиз тўқ. Ўзбекистонимиз ҳам озодликка эришди. Келинг, ўзимиз тенги кексаларни йиғиб, бир Хоразм томонларни айланиб келмаймизми, деб қолди.

Кампири тушмагурнинг орзу-ҳавасини, бутунлигини қаранг, бўлмасам, Фарғона вилоятининг Охунбобоев районидаги Қорақушчи қишлоғи қаёқда-ю, Хоразм қаёқда? Бироқ Ўзбекистонимизда бошқа ўлкаларга нисбатан тўкинлик, республикадаги вазиятнинг осойишталиги кўнгилларга мадад бердими — қудаларга қўшилган 14 нафар қорақушчилик нафақахўр онахонлар автобус ёллашиб, қадим Хоразмнинг ёдгорликларини кўришга саёҳатга жўнаб кетишди. Автобус ҳайдовчи билан гаплашиб кетсин деб нафақахўр Қурбонбой Халиловни ҳам олиб олишди.

Онахонлар кўҳна Хоразмни хўп томоша қилишди. Хевани айланиб юриб, Ичон қалъага кираверишда тасодифан уларга республикамиз Президенти Ислом Каримов учраб қолди. Хизмат тақозоси билан Хевага келган Президент олис фарғоналик кекса аёллар билан саломлашди. Шу ерда қисқа, лекин сермазмун суҳбат бўлиб ўтди. Уни мана шундай табаррук жойда учратганликларининг ўзи юртимиз истиқболидан башорат эканлигини айтишди. Ўзбекистонда осойишталик ҳукм сураётгани, халқ турмушини яхшилаш борасида қуйиб-пишаётганлиги учун Президентимизга миннатдорчилик билдириб, уни дуо қилишди.

Президент онахонлар билан суратга тушди ва уларга яхши тилаклар тилаб хайрлашди. Қорақушчилик кекса аёллар ҳам эсон-омон фарзандлари, невара-чеваралари бағрига қайтишди. Сафар таассуротлари бир олам, айниқса, Президент билан учрашув бағоят эсда қоларли бўлган эди.

Зиммасида беҳисоб, тиғиз ва мураккаб давлат ишлари бўлишига қарамай Президент фарғоналик онахонларни унутмаган экан. И. Каримов ўша қорақушчилик аёлларнинг ҳар бирига биттадан Хевада бирга тушган рангли суратларини совға қилиб юборибди. Суратлар орқасига Президент ўз қўли билан дастхат ёзган: **«Сизга узоқ умр, оилангизга бахт-саодат тилаб, ҳурмат, эҳтиром ила Ислом Каримов».**

Куни кеча Фарғона вилояти ҳокими М. Й. Исломов қорақушчилик 14 нафар онахонга Президентнинг мустақиллик байрами олдидан юборган совғаларини топширди. Улар давлатимиз бошлиғига узоқ умр, сиҳат-саломатлик, машаққатли, аммо улуғ ва шарафли ишларига ривож тилаб, дуога қўл очдилар.

— Президентимиз доно ва камтар инсон эканлар, қаранг, бизни унутмабдилар, халқимизнинг асил фарзанди у киши, — деди Саломатхон ая Раҳмонова шерикларига. —Келинглар биз ҳам у кишини Ўзбекистонимиз мустақиллигининг бир йиллик байрами билан табриклаб, мактуб ёзиб юборайлик.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСТИҚЛОЛ ДОРИЛФУНУНИ

И. А. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

«Ўзбекистон» нашриёти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини чоп этиб, республика мустақиллигининг бир йиллигига ажойиб совға тайёрлаганини, Ўзбекистон телевидениеси ана шу китобча асосида адабий ўқишлар ташкил этганлигини илгари хабар қилган эдик.

Рисолани ўқиб чиққан ва адабий ўқишларни тинглаб бораётган кишилар ҳозирданоқ уни Ўзбекистон истиқлолининг дорилфунуни, Ўзбекистон қўлга киритган мустақилликнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий жиҳатларини батафсил таҳлил этувчи ва асослаб берувчи назарий манба деб ҳақли равишда баҳо бермоқдалар. Чиндан ҳам ушбу рисолада Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати концепциясининг асосий қондалари баён қилинган. Республика тараққиёти ҳозирги босқичининг ўзига хос хусусиятлари, чинакам мустақил демократик давлат барпо этишнинг принциплари, унинг ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларининг асослари таърифлаб берилган. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш — мустақил Ўзбекистон ички сиёсатининг негизи эканлиги исботлаб берилган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, турли соҳа кишилари, жумладан, студентлар, талабалар, зиёлилар, илмий ходимлар учун қимматли қўлланмадир. «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти кўплаб муштарийларининг талаб ва истакларини ҳисобга олиб, бугундан бошлаб, Истиқлол дорилфунуни рукни остида рисола билан таништира боради

(Ички саҳифаларга қаранг).

УЙҒОНИШ

Бир йил бурун, XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессиясида Республика мустақиллиги эълон қилинди. Телевизор орқали йиғиннинг боришини кузатиб ўтириб, ҳозир зал қарсаклардан ёрилиб кетса керак, деб ўйлаган эдим. Аксинча — жим-жит. «Мустақиллик» сўзини эшитишдан чўчийдиганлар ўриндиқларнинг тагига кириб кетишга ҳам тайёр эдилар. Хайрият, Республика Президенти мустақилликка нисбатан одамларнинг юрагида сўна бошлаган умидни учқунлатиб, қарсакни ўзи бошлаб берди.

Кўча-кўйда ҳам мустақиллик ҳақидаги хабарни кўпчилик ишониб-ишонқирамай қабул қилди.

Бундай ҳавфсалапирликнинг боиси нима эди? Кўрқоқликми? ишончсизликми ёки шунчаки лоқайдликми? Нима бўлганда ҳам киши бир неча кун ўтган-қайтганнинг елкасидан тутиб: «ҳой биродар, мустақил бўлдик, энди бировнинг кўрсатмаси билан яшамаймиз, энди...» дейдиган кайфиятда юрди. Ўшанда бир ҳикматни англадим — одамзод маънан мустақил бўлмас экан, жисмонан мустақил бўлганини англамайди.

Собиқ марказнинг содиқ мухбирлари вазиятга дарҳол баҳо бериб ҳам улгурди: гўё мустақиллик биргина Ислом Каримовга керак эмиш. Тўғри, Ислом Каримовга керак эди, чунки у юртининг фарзанди, фидойиси сифатида халқини мустақил, фаровон кўришни истарди.

Ўтган бир йил ичида амалга оширилган ишлар, шубҳасиз, Президентнинг, у тузган ҳукуматнинг номи билан боғлиқ. Халқ ҳаммасини кўриб турибди. Рашидовни ҳам, Усмонхўжаевни ҳам, Нишоновни ҳам кўрди бу халқ. Каримовга ҳам ўз баҳосини Президент сайлови чоғида берган.

Бир йил нима деган гап! Топармон-тутармон нордай йигит ҳадеганн билан ҳовлижойини бутлаб чиқа олмайди бир йилда... Иқтисодий жиҳатдан қашшоқлашган, ишлаб чиқаришнинг кўп соҳалари издан чиққан, режалаштириш мутлақо чалкашиб кетган бир шароитда — бир йил оралиғида кўп савобли ишлар қилинди.

Аввало, аҳолининг катта қисмига уй-жой учун ер, томорқа ажратилди, ночор, ёрдамга муҳтож қариялар, ўқитувчи-ю ўқувчилар, қўйингки, қўл учида кун кўрувчи борки, иложи борича, ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинди. Оммaнинг кайфиятида келажакка умид, ишонч уйғотилди.

Дастлабки тадбирлар йил охирламасданоқ натижасини

ЮРТБОШИГА КЕЛГАН МАКТУБЛАРНИ ЎҚИБ

берди. Қишлоқ хонадонлари оз бўлса-да ўз ғалласига, чорвасига, мол-мулкига эга бўла бошлади. Тўғри, фаровон кунлар ҳали олдинда. Республикада бозор иқтисодиётини шакллантириш бир-икки йиллик иш эмас. Лекин энг муҳими — омма онгида топармонлик хислатлари пайдо бўлаётир.

Ўзбекистоннинг Мустақиллигини 120 дан зиёд мамлакат тан олди. Республикамиз билан муносабат ўрнатиш истагини билдираётган мамлакатлар яна бир талай.

Юртимизда ўзга давлатларнинг элчихоналари очилмоқда. Хорижнинг бозор кўрган корчалонлари билан рақобатлашиш ҳазилакам гап эмас. Ҳаммаси учун тажриба, малака, бир сўз билан айтганда — мутахассис керак.

Қўшма корхоналарнинг олди маҳсулот бера бошлади. Ҳадемай, Ўзбекистон енгил машина ишлаб чиқарадиган заводга эга бўлади. Машина нима, Тошкентдаги самолётсозлик заводини сақлаб қолишнинг ўзи беҳисоб тилла билан баробар.

Буларнинг бари бир йил ичида бўлди. Оғир меҳнат, ҳаловатсиз кечалар, дилсиёҳ баҳслар... давлат ишини юргизиш машаққати!..

Қўлимда бир даста телеграмма, хат-хабарлар, қатто Президент номига тўйга таклифнома ҳам бор. Уларни жумҳуриятимиз фуқаролари йўллаган. Халқимиз фаоллашмоқда.

«Биз, — деб ёзибди андижонлик отахонлар ўз мактубларида, — Республикамизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз. Шу билан бирга республикамиз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун куч-ғайратимизни аямаймиз...»

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Шадринлар оиласи номидан юборилган телеграммада Республика раҳбари шаънига шундай самимий сўзлар бор: «Биз сизнинг рост сўзингиз, халқлар ўртасида тинчликни сақлашда қилаётган ҳаракатларингиз ва Ўзбекистоннинг нони учун бир умр миннатдормиз».

Жумҳурият Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясидан кейин Президент девонига келаётган мактублар оқими янада кўпайди. Москва шаҳрида истиқомат қилувчи ҳамюртимиз Д. Турсунов қисқагина хатида республикада олиб борилаётган ишларга хайрихоҳлигини билдириб, «бир неча кун Тошкентда бўлганимда Олий Кенгашнинг ўнинчи сессиясидаги нутқингиз билан танишдим. Республикани оёққа турғазиш борасидаги режаларингиз амалга ошишига тилакдошман...», деб ёзади.

Президент номига келган ҳамма мактубларни ҳам шундай холис, самимий, деб бўл-

(Давоми учинчи бетда).

ХУСУСИЙ ЛИЦЕЙДА ТУРКЧА МАШҒУЛОТЛАР

● **ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ қардошлик муносабатларининг тобора мустаҳкамланаётганини исботловчи ёрқин далил қадимий Хоразм заминида ҳам юзага келаяпти.**

Вилоят маркази Урганч шаҳрида янги ўқув йилидан бошлаб яна бир илм даргоҳи — машғулотлар Турк тилида ўтказиладиган хусусий лицей иш бошлади.

Турк мактаби учун шаҳардаги вилоят гиббиёт ходимлари малакасини ошириш билим юрти биноси ажратиб берилди ва зудлик билан таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

— Ўқувчилар мактабнинг ўзида яшаб, билим олишади. Дастлабки йили ўзбек, турк ва инглиз тилларини, кейинги йилдан бошлаб эса химия, математика, биология каби фанларни ҳам ўрганишади, — дейди хусусий лицей директори Мусо Ўзатбей. — Компьютерлар ўрнатилиб, барча қулайликлар яратиладиган ҳар бир хонада икки ўқувчи таълим олади. Мактабнинг барча таълим-тарбия воситалари, шунингдек, синф хона, уй ва ошхона жиҳозларини Европа мамлакатларидан харид қилиб келтирамиз. Хусусий лицейда ўқувчининг билим олишдан бошқа ташвиши бўлмайди. Юртимиздан тағин беш нафар муаллим ташриф буюради. Урганчда биз учун барча имкониятлар яратилмоқда. Турк муаллимлари учун турар жой биноси қурилиши бошлаб юборилган...

Мусо Ўзатбой Туркиянинг Куньё шаҳридан бўлиб, шу маскандаги дорилфунуида таълим олган. Хусусий билим даргоҳида ўқитувчи, директор бўлиб ишлаган тажрибали мутахассисдир.

Урганчда очилган Турк хусусий лицейида таълим олувчилар учун тест синови ўтказилиб, унинг саволларига жавоб беришда иштирок этган 300 нафар ўқувчидан энг иқтидорли 100 нафари ўқиш шарафига муяссар бўлишди.

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

● **Қашқадарё вилояти саноат корхоналари, қурилиш участкалари, жамоа ва давлат хўжаликлари барча меҳнат жамоаларида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган Ягона сиёсий кун ўтказилди.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши томонидан уюштирилган ушбу сиёсий кунда вилоят партия кенгаши аъзолари, фаоллари жойларда бўлиб, мустақиллик мавзуида меҳнаткашлар билан суҳбатлашдилар. Қизиқарли саволжавоблар бўлди.

Йиғилиш ва учрашувларда мустақиллик республика халқига, ҳар бир фуқароси зиммасига жуда катта маъсулият ҳам юклаётганлиги таъкидланди. Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаш, барча миллат ва элатларнинг тотувлигини таъминлаш, мустақиллик йўлидаги дастлабки ютуқларни янада мустаҳкамлаш алоҳида уқтириб ўтилди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСТИҚЛОЛ

И. А. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

„ЎЗБЕКИСТОН"

Чуқур ўзгаришлар бизнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб бормоқда. Содир бўлаётган туб силжишлар дунёнинг ҳозирги қиёфасини ўзгартириб юбормоқда. Халқларнинг озодлик, мустақиллик ва бахт-саодатга азалий интилиши, ўз тақдирини ўзи белгилашга азму қарори мана шундай ўзгартишларнинг ҳаракатга келтирувчи кучидир. Ўзбекистон чинакам мустақилликка эришиш мақсадини биринчилар қатори билдирганлигини жонажон ўлкамиз учун фахр-ифтихор туйғуси билан қайд этиб ўтиш керак. Собиқ Иттифоқдаги республикалардан биринчи бўлиб президентлик бошқарувини амалда жорий этган ҳам, кенг миқёсдаги ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига ўтиб олган ҳам бизнинг республика бўлди.

Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Муқаддас орзу ушалди — Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди.

1.

Бу — халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеадир. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда республикадаги кўп миллатли барча аҳолининг хоҳиш-иродаси мустаҳкамлаб қўйилди ва умумхалқ референдуми буни қатъий тасдиқлади. Бу тарихий воқеа давлатимиз йилномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилади.

Ўртага қўйилган мақсадларнинг, танланган йўналишларнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда ва яққол тасдиқлади. Республика мустақиллигининг бир йили ичида асрлар мобайнида амалга оширилмаган кўп нарсаларга эришишга муваффақ бўлдик. **Ўзбекистон халқи жонажон ўлкадаги беқиёс бойликнинг абадул-абад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди.** Республика ўз олтинини, бошқа нодир ва қимматбаҳо металларни мустақил қазиб чиқариб, қайта ишламоқда ва сақламоқда. Ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий бойликлар, авлод-аждодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий куч-қудрат ва имкониятлар миллий бойлик бўлиб, одамлар фаровонлигининг кафолати, ижтимоий тараққиёт ва равнақнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Ўзгармас бир тартиб қарор топди. Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди ва иқтисодий қудрати бўлинмас, унинг чегаралари эса дахлсиз бўлиб, давлат ҳимоясидадир.

Республикада **демократик ҳуқуқий жамият асослари фаол равишда вужудга келтирилмоқда.** Аввалги яккаҳокимлик тизимининг иллатлари қатъиян тугатилмоқда. Қўппартиявийлик, ғоялар ва фикрларнинг хилма-хиллигига тоқат қилиш реал воқеликка айланмоқда. Ягона мафкуранинг яккаҳокимлигига барҳам берилди. Умумбашарий қадриятларнинг устиворлиги, чинакам демократия, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларининг бутун дунё тан олган маром ва қоидалари тобора кўпроқ қарор топмоқда.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш принципи изчиллик билан ўтказилмоқда. Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг чинакам эгаси бўлиб қолди ҳамда уни бевосита ва шунингдек ўз вакиллари — ноиблар орқали ҳам амалга оширмоқда.

Республика парламенти қонун яратувчилик фаолияти билан фаол шуғулланмоқдаки, у ёш мустақил давлатнинг шаклланишини ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама таъминлашга қаратилгандир. Давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими шаклланмоқда. Президентлик бошқарув усули — шу тизимнинг ўзагидир. Жойларда ҳам бошқарув тизими қайта ташкил этилмоқда— вилоятлар, районлар ва шаҳарларда ҳокимлик лавозими таъсис этилди. Суд ҳокимияти ислоҳ қилинмоқда, у Қонуннинг устунлигини, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаши лозим. Фуқаролик жамиятининг турмуш тарзи таркибий қисмларини ташкил этувчи мана шу омилларнинг ҳаммаси қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг,

3.

1 СЕНТЯБРЬ · ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК МЕВАЛАРИ

Республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва районларида мустақил Ўзбекистонимиз бир йиллиги тўйига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ана шу ўтган қисқа вақт ичида пойтахт иқтисодиётида, фан-маданиятини ривожлантиришда қандай ўзгаришлар рўй берди? Тошкент шаҳар ҳокими Атҳамбек ФОЗИЛБЕКОВ билан суҳбатимиз шу мавзуга бағишланди.

— Кейинги бир йил мобайнида амалга оширилган юмушларга тўхталишдан олдин, — деди у, — Президентимиз И. Каримовнинг Республика Олий Кенгашининг 10 сессиясидаги маърузасида айтилган қуйидаги сўзларни таъкидлашни истардим: Ўзбекистон ўз қадр-қимматини асрай билди. Тинчлик ва осойишталикни сақлашга эришилмоқда. Бунинг сабаби ташқи ва ички тўғри сиёсат юргизилаётганидир». Бу сўзларни эслаётганимнинг боиси бор. Чунки қаерда тинчлик ва осойишталикка эришилмас экан, ўша ерда силжиш бўлмайди. Рўзғордан барака кўтарилади. Бизнинг минтақамизда ҳам иқтисодий вазият анча мураккаб. Шуни ҳисобга олиб биринчи навбатда меҳнаткашлар кенг оммаси ижтимоий ҳимояга олинди. Қариялар, етим-есирлар, камбағал-ночор кишиларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш чоралари қидирилди. Таълим-тарбия, тиббиёт ва бошқа соҳа меҳнатчилари моддий аҳволини яхшилашга доир Президент фармонлари эълон қилинди. Шулар боис, халқимиз Президентни, инсонпарвар ҳукуматимиз сиёсатини қўллаб-қувватламоқда. Чет мамлакатлар турли соҳаларда биз билан ҳамкорлик қилишга интилмоқдалар.

Мустақилликнинг биринчи йилидаёқ ҳокимликда қирқдан зиёд делегация қабул қилинди. Улар орасида АҚШ, Хитой, Англия, Туркия, Олмония каби йирик мамлакатлар дипломатлари, иқтисодчилари, ишбилармон кишилари, машҳур фирма вакиллари бор эди. Мулоқотларда пойтахтимиз билан бўладиган иқтисодий, маданий, дўстлик алоқаларига оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Айни пайтда чет мамлакатларнинг ўнта элчихонаси ва иккита бош консулхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Пойтахтимиз жуда катта ишчи кучига, ишлаб чиқариш имкониятларига эга. Шаҳар аҳолиси мустақилликнинг илк мевасини тотиб кўрди. Эндиликда одамлар қандай қилинса яхши яшаш мумкинлигини англаб олишган. Шу боис, хоҳ у ишчи ёки олим, хоҳ у шифокор ёки ўқитувчи бўлсин — ўз иш жойида тартиб-қоидага риоя қилган ҳолда юртимиз ривожига улуш қўшишга ҳаракат қилмоқда. Айниқса ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнатчилар ўз маҳсулотларини жаҳон стандарти талаби даражасига олиб чиқиш йўлидан бораётирлар. Бунинг энг оқил йўли нуфузли чет эл фирмалари билан ҳамкорликда ишлаб, малакали кадрлар тайёрлаш ва қўшма корхоналар тузишдан иборатдир. Айни пайтда шаҳарда 191 қўшма корхона рўйхатдан ўтган. Улардан 50 дан зиёди фаолият кўрсатяпти. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,8 баравар кўп, демакдир. Ушбу корхоналарда 4,5 минг нафар киши ишлаётир. Фақат шу йилнинг ўтган ойларида бир ярим миллиард сўмликдан кўпроқ ишлаб чиқарилган маҳсулот улар улушига тўғри келди. Саноат, соғлиқни сақлаш, транспорт, фан ва бошқа йўналишларда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар бундан кейин ҳам ҳокимлик диққат марказида бўлади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида Тошкентда халқаро тадбиркорлар маркази ташкил қилинганини ҳам қайд этиб ўтиш керак. Шу билан бирга ахборотлар айирбошлаш бўйича Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Греция, Бельгия, Франция, Туркия ва Малайзия билан шартномалар имзоланди. Франциянинг «Марко Поло» уюшмаси билан шаҳар, уй-жой қурилиши соҳасида, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш бўйича тузилган ўзаро битим ҳар икки томонга ҳам манфаат келтиради.

Аҳолини халқ истеъмоли моллари билан таъминлашда кооперативлар ва кичик корхоналар хизматига ҳам баҳо бериш тўғри бўларди. Ҳозирги пайтда 1435 ширкат ва 2140 кичик корхона ишлаб турибди. Улар ўтган йилга нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатишга эришдилар.

Кейинги бир йил ичида шаҳар саноат ишлаб чиқариши ҳажми салкам 37 миллиард сўмликни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги учун машиналар, ип газламалар, сунъий кир ювиш воситалари, пойабзал, дори-дармонлар шулар жумласидандир. Шу йўналишда 22 объект фойдаланишга топширилди. Қурилиш материаллари камёб ва қиммат бўлишига қарамасдан маданий-маиший соҳаларда ўнлаб янги бинолар қурилишига эришилди. Бунда, албатта, келажагимиз ҳамиша ардоққа муштоқ бўлган фарзандларимиз учун қулайликлар яратиш эътибордан қочирилмади. Президент фармонларининг ижроси йўлида аҳолини сув, газ билан таъминлаш бирмунча яхшиланди. Шаҳар транспортида янги линиялар, янги маршрутлар пайдо бўлди.

Бироқ ҳали олдинда ечилмаган муаммолар, қўлимиз етмаган, улгуролмаган ишларимиз бисёр. Энг муҳими, биз мустақил диёримизда мустақил фикрлашга, эркин яшашга, ташаббус кўрсатишга, ўз ҳуқуқимизни, ўзлигимизни танишга кўникма орттириб боряпмиз. Бу, менимча, истиқлол йўлида тетапоя қилаётган юрт учун сув билан ҳаводек зарур.

Суҳбатдош А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мустақиллик байрами йўқламасида— Тошкент шаҳри

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Ўтган бир йил ўқитувчилар ҳаётида унутилмас воқеаларга бой йил бўлди. Ўзбекистон ҳукумати ёш авлод тарбиясининг бизга ишониб топширгани билан оталарча ғамхўрликни ҳам унутмади. Бунга ҳукуматимизнинг маориф ходимларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатаётганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Масалан, ойлик маошлар бир неча баробар ошди. Уй-жойлар шахсий мулкка айлантирилди, имтиёзлар яратиб берилди. Жумладан ҳар хил хизматларга тўланадиган тўловлар 50 фоизга камайтирилди. Мактабларда «Одобнома» дарслари фан сифатида киритилди. Она тилимизнинг ўқитилишига эътибор кучайтирилди.

Бироқ шунга қарамасдан, таълим соҳасида қатор муаммолар тўпланиб қолганини таъкидлашни истардим. Бошланғич таълим — бу таълимнинг пойдевори ҳисобланади. Шунинг учун мен бошланғич синф ўқувчилари онгига миллийлик, инсонийлик, мустақил Ўзбекистонга муҳаббат туйғуларини сингдириш мақсадида қадимий тарихимиз, миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз, урф-одатларимизни тарғиб этувчи дарсликлар ва дастурлар чоп этилишини истардим. Худди шу мазмунда ойнаи жаҳон орқали кўрсатувлар ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Раҳима ОРИПОВА,
Шайхонтоҳур районидаги 82-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси.

ТАШҚИ АЛОҚАЛАР:

● Ҳокимликда 40 дан зиёд делегация қабул қилинди. Улар асосан жаҳондаги дипломатия вакиллари, ишбилармон ва банк доираларидаги кишилар, фан ва маданият арбоблари, жамоат ташкилотлари намояндаларидан иборатдир. Масалан, «Табанн» (Покистон) банки, «Мейер, Браун ва Платт» (Буюк Британия) фирмаси, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» (БМТ) жамоат ташкилоти, «Ротари клаб» (Норвегия), «ДЭУ» (Жанубий Корея) ва бошқа кўплаб фирмалар билан ҳамкорлик шулар жумласига киради.

ҚУРИЛИШДА:

● Республикамиз мустақилликка эришгандан буён ўтган қисқа муддат ичида 590 минг квадрат метрдан зиёд уй-жой қуриб битказилди. 5143 ўқувчига мўлжалланган мактаблар фойдаланишга топширилди. 354 ўринли шифохона, бир йўла 3891 нафар кишини қабул қиладиган поликлиника, 720 нафар ўғил-қизга касб ўргатадиган ҳунар-техника билим юрти, 32 савдо дўкони, 20 ошхона, 4 минг тоннага мўлжалланган сабзавот омбори ва бошқа маданий-маиший бинолар аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

САНОАТДА:

● Ўтган бир йил мобайнида ишчилар ва деҳқонлар учун 21 мингта трактор, 30 мингта трактор прицеплари, 3 мингта қишлоқ хўжалик машиналарини етказиб бердилар. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида 178 миллион сўмлик дори-дармон ишлаб чиқарилди. 3 миллион жуфт пойабзал, 142 миллион погон метр ип газлама ва 30 минг тонна сунъий кир ювиш воситалари тайёрланди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми жами 36,7 миллиард сўмликни ташкил этди.

ТУҲФА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида истиқлол байрамига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Бир қатор ёзувчилар жумҳуриятимиз мустақиллиқ кунига бағишлаб ўтказилаётган учрашув ва тантаналарда иштирок этиш учун вилоятларга жўнаб кетдилар.

Уюшманинг республика мустақиллигига бағишланган саккиз саҳифали махсус хабарнома чиқаргани нур устига нур бўлди. Бу хабарнома «Мустақиллик» деб номланган.

«Азиз онахонлар, табаррук отахонлар!

Биз бу кунга не-не қурбонлар бериб чексиз меҳнат-машаққатлар эвазига эришдик. Бу кунимизнинг қадру қийматини ёшларимизга чуқур тушунтиринг. Ўзбекистонга боқий истиқлолу истиқбол бергайсан деб дуо қилинглар, Яратганга илтижо қилинг...

Яшасин Миллий мустақиллигимиз!

Яшасин мустақил Ўзбекистон! деган мурожаат билан очилади хабарнома».

Хабарномага истеъдодли ёзувчи Ражаббой Ота Турк бош муҳаррирлик қилган.

ҚЎРИҚ ДИЁРДАГИ УЧРАШУВЛАР

● ЎзХДП Марказий Кенгашининг ташаббуси билан озод жумҳуриятимизнинг бир йиллик тўйига бағишлаб ўтказилаётган адиблар билан меҳнаткашларнинг учрашувлари эстафетаси қўриқ воҳага ҳам етиб келди.

Ховос станциясининг шундоққина ёнида жойлашган темирйўлчилар хиёбонида ижодкорлар ва партия ходимларининг темирйўлчилар билан учрашуви бўлди. Сирдарё вилоят ҳокими Б. Маҳмудов тўпланганларни кириб келаётган Ўзбекистон Мустақиллиги байрами билан қизғин муборакбод этди, бир гуруҳ ишлаб чиқариш илғорлари ва меҳнат фахрийларига вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқларини топширди.

Шундан сўнг ЎзХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев Ховос темирйўлчиларини табриклаб, республика партия ташкилоти томонидан истиқлолимизни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар, олдинда турган вазифалар ҳақида сўзлаб берди. Бир гуруҳ меҳнат илғорлари, уруш ва меҳнат фарийларига партия билетларини топширди. Улар орасида 86 баҳорни қаршилаётган, 61 йилдан буён партия аъзоси, темир йўл хизмати фахрийси Раҳмонберди ота Қурбонов каби ажойиб инсонлар борлиги кўпчиликни ҳаяжонга солди.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси раисининг биринчи муовини, шоир Ҳамроқул Ризо, ёзувчи Оқилжон Ҳусанов, шоир Муҳаммад Юсуфларнинг чиқишларини олқишлар билан қарши олдилар.

Бундай учрашувлар Гулистон районидаги Азиз Носиров номли жамоа хўжалигида, Гулистон тикувчилик фабрикасида, қўриқ Оқолтин районидаги Усмон Носир номли давлат хўжалигида ҳам бўлиб ўтди.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАЙРОҚЛАР ТАНТАНАВОР ҲИЛПИРАЙДИ

Республикамиз енгил саноатининг фахри — Тошкент тўқимачилик комбинатининг қўли гул чеварларининг меҳнати ҳам таҳсинга лойиқ. Улар ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, байрамга ўзига хос совға ҳозирлашмоқда. Тўқимачилар тайёрлаган Ўзбекистон Республикасининг миллий байроғи рамзи туширилган сифатли газламалар байрамга ўзгача тантаналорлик бахш этгусидир.

Корхонанинг читга гул босиш ва унинг ёнидаги саралаш фабрикаларида байроқ тасвири туширилган газламалар босилмоқда. Корхонанинг бош раҳбари, Ўзбекистон халқ депутати Ботир Эргашев муносиб меҳнат совғалари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Кўп минг кишилик жамоамиз халқимизнинг табаррук байрамига арзигули совға тайёрлаётганлиги билан фахрланмоқда. Тўйга тўёна дегандек, бундай газламадан буюртма асосида бир неча минг метр ишлаб чиқардик. Ундан тайёрланган ўн мингга яқин байроқчалар ҳилпираб, байрамга тароват бахш этади.

Тўқимачилар мустақиллик майдонида бўладиган турли оммавий тадбирларда қатнашувчи ёшларга мўлжалланган икки мингта байроқ тимсолли кўйлак ҳам тикишди. Бундан ташқари республикамизнинг турли вазирликлари, идоралари, корхоналари ва қурилиш ташкилотлари учун миллий байроқларимиз тайёрлаб берилди.

СУРАТЛАРДА: 1. Албина Пушкарева ва Малика Тожибоева ўз меҳнатларидан мамнун. 2. Бўстон Муҳаммаджонова бошлиқ тикув цехи чеварлари ўзлари тиккан байроқли кўйлакларни намойиш этишмоқда.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАНИШГА МАДАД

Ҳамма жойда республикамиз мустақиллигининг бир йиллигига ҳозирлик ниҳоясига етмоқда. Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси раҳбарияти миллий истиқлол байрамига совға тайёрладилар. Амалдаги тартиб-қоидага қатъий риоя қилиб ишлаётган ҳар бир темирйўлчига минг сўмдан уч минг сўмгача пул мукофоти беришга қарор қилинди.

Мурувват нуқтаи назаридан берилаётган мукофот пули фахрий темирйўлчилар ва шу соҳада узоқ ишлаган нафақахўрларга ҳам ажратиладиган бўлди. Улар беш юз сўмдан етти юз сўмгача мукофот олишади. Мукофот пули темирйўлчиларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоялашга мадад бўлади.

Д. МУРОДОВ.

ДОРИЛФУНУНИ

қаттиқ интизомнинг, ички уюшқоқлик ва масъулиятнинг негизи бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини амалда намоён қиладиган ва рўёбга чиқарадиган ташкилий тузилмаларни шакллантириш жараёни давом этмоқда. Мудофаа ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси тузилди. Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш, қимматбаҳо металлар, фан ва техника қўмиталари, Олий Аттестация комиссияси биринчи марта ташкил этилди. Марказий иқтисодий идоралар-нинг вазифалари ва фаолият йўналишлари тубдан ўзгартирилди.

Банк тизими қайта ташкил этилмоқда. Республиканинг Марказий банки бошқарув идораларидан мустақил бўлди. Ўзимизнинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки очилди. Кўпгина тармоқ вазирликлари ва идоралари тугатилди. Мустақил миллий авиакомпания, ахборот агентлиги, кинокомпания ва бошқа умумдавлат хизматлари ишлаб турибди.

Ўзбек халқининг мустақилликка бўлган интилишини жаҳон ҳамжамияти, халқаро жамоатчилик қўллаб-қувватлади. **Дунёдаги 125 мамлакат Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини тан олдилар. 40 дан зиёд хорижий мамлакатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди.** Тошкентда Туркия Жумҳуриятининг, Америка Қўшма Штатларининг, Ҳиндистон, Франция, Германия Республикаларининг ва бошқа давлатларнинг элчихоналари очилди. Бошқа хорижий давлатлар билан ҳам дипломатия ваколатхоналарини айирбошлаш тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда.

Тарихда илк бор, 1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Республика Оврўпода хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашнинг Якунловчи актини имзолаб, Хельсинки жараёнига қўшилди. Мана шуларнинг ҳаммаси республика тараққиётида мазмунан янги босқични бошлаб берди ва тенг ҳуқуқли асосларда халқаро иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш имкониятини очди.

Эндиликда Ўзбекистон бир қатор етакчи халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмаларнинг — Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Оврўпо қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Қора денгиз мамлакатлари иқтисодий уюшмасининг аъзосидир. Халқаро валюта фонди, Халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига ва бошқа бирлашмаларнинг таркибига аъзо бўлиш борасидаги тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. Ўзбекистоннинг Қўшилмаган давлатлар ҳаракатига, БМТнинг Осиё ва Тинч океан учун Иқтисодий ва ижтимоий комиссиясига ҳамда бошқа ташкилотларга аъзо бўлиб кириши тўғрисида аризалар юборилди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги ва у халқаро миқёсда тан олинганлиги шуни билдирадики, бундан буён **республика мустақил ички ва ташқи сиёсатини олиб боради,** ҳеч кимнинг воситачилигисиз ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатади. **Республикани ҳақиқатан ҳам, унинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва кўникмаларини, мавжуд беқиёс табиий бойликларни ҳар томонлама ҳисобга олиб, юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолди.**

Ҳозир бизнинг жамиятимиз тарихий чорраҳада турибди. Республикани миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқишимиз зарур. Бу мураккаб ва масъулиятли палладир. Ҳозир яшаб турганларнинг тақдиригина эмас, балки уларнинг фарзандлари, невараларининг ҳам тақдири, келажак авлодларнинг тақдири ҳам шунга боғлиқ бўлади. Республика танг ҳолатларни қай даражада тезроқ бартараф этиши, яккаҳокимлик тизимининг иллатларини батамом тугатиши, ривожланган маданиятли мамлакатлар даражасига чиқиб олиши шу нарса билан белгиланади. Биз ҳозир узоқ йўлнинг бошида турибмиз.

Барқарор бозор иқтисодиёти очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин.

ЎЗ ЙЎЛИМИЗНИНГ ШАРТ-ШАРОИТИ ВА ЗАМИНЛАРИ

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ўз давлатчилигини қўлга киритиш, миллий ва ижтимоий озодликка эришиш ҳеч қаерда енгил ва осонликча бўлмаган. Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, жумладан диний эътиқоди, руҳияти ва хулқ-атвор нормалари шуни тақозо этади. Дунёда ижтимоий тараққиёт йўлининг турли вариантлари мавжуд. Туркия, Жанубий Корея, Швеция моделлари ва бошқалар бунга мисолдир. Бир қанча мусулмон мамлакатлари ва янги индустриал мамлакатларнинг тажрибаси ҳам шуни кўрсатади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Оврўпо мамлакатлари ва Япония халқ хўжалигини қайта тиклаш ҳам бунинг амалий намунасидир.

Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз самарали фойдаланади. Гап бирон-бир моделни, ҳатто у ижобий натижалар берган тақдирда ҳам, кўр-кўрона кўчириб олиш тўғрисида бораётгани йўқ. Аниқ-равшан воситалар

(Давоми бор).

4. 5. 6. 7.

• ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН •



Покистоннинг пойтахти — Исломобод.

3. ЖАҲОННИНГ КЎЗИ БИЗДА— ТАҚДИРИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Шавкат ЯҲЁЕВ

УЗОҚ ВА ЯҚИН ПОКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН Ҳамдўстлик давлатлари ўртасидаги ижтимоий жиҳатдан энг барқарор республика эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Тинчлик-осойишталик жиҳатидан ҳам, кенг истеъмол моллари сероблиги ва нарх-наволарнинг бошқаларга нисбатан бирмунча арзонлиги жиҳатидан ҳам мустақил республикамиз билан фахрлансак арзийди. Ўзбекистон Президенти ва унинг ҳукумати бозор иқтисодиётига изчил кириб боришимизни таъминламоқда. Қиш ғамини ёзда е, деганларидек, ҳозирданоқ озиқ-овқат ва молларни қишга ғамлаб қўйиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Жаҳон миқёсида дўстларимиз — шерикларимиз тобора кўпайиб боряпти. Буни, айниқса, Покистонга, Финляндияга, Жанубий Кореяга, Индонезияга ва бошқа мамлакатларга борган кишилар янада яққолроқ ва чуқурроқ тушунмоқдалар. Президентимиз ана шу мамлакатларга ҳам ташриф буюрди. Биз ҳозир шуни яққол ҳис этяпмизки, бизнинг матбуотимиз, журналистларимиз Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсига кенг қулоч ёзаётганига ўз нигоҳларини кўпроқ қаратишларини истардик.

Мустақил Ўзбекистон Президентининг ички ва ташқи сиёсатини, эришган мустақиллигимизнинг беқиёс аҳамиятини фақат фахрланиш, ғурурланиш нуқтаи назаридангина эмас, балки унинг аҳамиятини ҳар томонлама чуқурроқ очиб бериш, мустақилликни уни иқтисодий мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан чуқурроқ ёритиш зарур. Президентимиз эса мустақилликни ҳозир айнан ана шу сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга эътиборни қаратмоқдаки, бу сиз билан бизнинг фаровонлигимиз пойдеворидир. Ўзбекистонимизнинг келгусида гуллаб-яшнаши асосидир. Бинобарин биз, покистонликлар ҳам таъкидлаб ўтишганидек, жуда бой ресурсларга эгамиз. Она-еримиз жуда сахий. Ажойиб, меҳнатсевар халқимиз бор. Бу фазилатларни бутун жаҳон тан олиб гапирмоқда.

Республикамиз мустақиллиги куни арафасида мен жаҳоннинг кўзи бизда эканлигига, тақдиримиз ўз қўлимиздалигига эътиборни қаратиб, мустақиллигимизнинг беқиёс аҳамиятига қандайдир четдан назар солишга жазм этдим. Ва шуни чуқур ўйладимки: «Ҳар биримиз республикага, унинг Президентига белгиланган режаларни амалга оширишда сидқидилдан ёрдам бердикми? Бунинг учун ҳар биримиз нималар қилдик?» деган саволни бергим келади.

Ўйлаб кетаман: ошкоралик, демократия, фикрлар ранг-баранглиги даврида ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, мустақил республикамизни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш учун курашяпмизми? Покистонда бўлган чоғимизда бизнинг эътиборимизни шу нарса тортдики, бу ерда бир неча партиялар— ки, бу ерда бир неча партиялар мавжуд. Ана шу турли партиялар, уларнинг раҳбарлари қонунни ҳурмат қиладилар. Фикрлар хилма-хиллигига қарамасдан мамлакат тақдири билан боғлиқ масалаларни биргаликда ҳал этадилар. Керак бўлса баҳслашадилар, талашадилар ҳам, аммо, сиёсий маданиятга қаттиқ риоя қиладилар. Албатта, уларда демократия 45 йилдан бери мавжуд. Улар кўп нарсаларни ўрганиб-ўқиб олганлар. Аммо халқимиз ҳам ўзининг минг йиллик тараққиётига эга-ку, ахир, Бизнинг ҳам ўз ғуруримиз бор-ку! Демократия фақат ўзларини «халқ дўстлари» деб атаётган айрим кишилар учунгина маълум тушунча бўлиб, бошқалар учун тушунарсиз-ми? Тарихда бизнинг устозларимиз кўп бўлган эди. Ҳозир бу «демократлар» учун устозлар пайдо бўлиб қолибди. Эскилик касали яшовчан бўлади, дейишади. Ҳолбуки биз тилидан, эътиқодидан, миллатидан қатъи назар — Ўзбекистон халқимиз-ку! Ўйлайманки, ўз миллий ғуруримизни сақлаган ҳолда биргаликда ҳамжиҳат бўлиб ортиқча югур-югур — шов-шувларсиз ҳар қандай масалани ҳал этишимиз мумкин. Зотан, эндиликда биз ўзимиз-га-ўзимиз хўжайинмиз. Ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаяпмиз. Покистон ўзининг Мустақиллик кунини қанчалик камтарона, оддий ва инсоний, айни пайтда қанчалар гўзал ва тантановор ўтказганини эслаб, мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзининг биринчи йиллигини янгичасига, ғоятда эсда қоладиган тарзда ўтказишига дил-дилдан ишонаман.

Покистонда бизни бениҳоя самимий ҳурмат-эътибор билан кутиб олишгани ва кузатиб қўйишгани узоқ вақт ёдимиздан чиқмайди, албатта. Бу фақат сиртқи таассурот эмас. Қанчадан-қанча фикрлар муштараклиги, мақсад ва интилишларимиз бир жойдан чиққанлиги ҳам бизни қувонтирди. Мен ана шулар ҳақида бирмунча тўхталиб ўтдим. Зеро, мустақил Ўзбекистонимиз ҳам Покистон сингари Шарқда салмоқли мавқега эга бўлишига шак-шубҳа йўқ. Бунинг учун эса халқаро алоқаларимизни янада мустаҳкамлайверамиз, музокараларимизнинг самарали ва амалий бўлишига интилаверамиз. Ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатларни янада ривожлантираверамиз. Бунга тўла ишончим комил. Масалан, биз Покистонда Ўзбекистон Президентига, делегациянинг бошқа аъзоларига кўрсатилган катта иззат-икром ёнида амалий ҳамкорликни ривожлантириш истагини билдириб, мартабали меҳмонлар ёнига келган дипломатик ва савдо-саноат дораларининг вакилларини кўрдик. Демак, биз билан ҳамкорлик қилишни дил-дилдан истаётганлар сони кўп экан. Шундай бўлгач, биз жаҳонга қучоғимизни кенг очаверамиз. Сўзимнинг охирида покистонликлар ўзларининг ўзбек қардошларига энг қайноқ юрак сўзларини, алангали саломларини, энг яхши тилакларини етказишимизни сўраганларини айтиб ўтиш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Суратларни Р. ҒОФУРОВ олган.

БАЙРАМ МУШОИРАСИ

«Биз мустақилликка осон эришмадик. Узоқ йиллар давом этган истибдод қанчаданқанча асл фарзандларимизни қатағон қилди. Бу айниқса, аҳли қалам учун қимматга тушди. А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, У. Носир каби нодир истеъдодлар ҳақиқатан ҳам мустақиллик қурбонлари эди».

Ўзбекистон Республикаси адиблар иттифоқи Ватанимиз мустақиллигининг бир йиллигига бағишлаб Ҳамза номидаги академик драма театрида ўтказган «Истиқлол ва шеърият» байрам мушоирасида таъкидланган бу сўзларда асло муболаға йўқ. Бугун эса неча-неча авлодларимиз орзу қилган мустақилликнинг бир йиллигини қаршилаяпмиз. Мушоирада шоирлар истиқлолни қутлаб шеърлар ўқишди. Шеърлар қўшиқларга уланиб кетди. Мақом устаси Ўлмас Расулов ва ёш хонанда Достон Убайдуллаевнинг чиқишлари даврага ўзгача файз киритди.

Байрам мушоирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси У. Азимов қатнашди.

(ЎзА мухбири).

БМТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДА

25 август куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдуразоқов БМТ Тараққиёт дастури минтақа бюроси иқтисодий маслаҳатчилар бўлимининг алоҳида топшириқлар бўйича вакили Холид Малик бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Самимий суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси пойтахтида мазкур ташкилотнинг ахборот марказини очиш тўғрисидаги масала тилга олинди.

БМТ делегацияси Ўзбекистонда бир неча кун бўлиб, республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан танишади. (ЎзА).

ИЛМИЙ АНЖУМАН БЎЛДИ

Республика Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги адабиёт институти билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси истиқлолимизнинг бир йиллигига бағишлаб «Мустақиллик ва адабиёт» мавзуида илмий анжуман ўтказди.

Сўзга чиққан адиблар ва олимлар мустақилликни қўлга киритишда адабиётнинг ҳам бевосита ҳиссаси борлигини таъкидладилар. Маълумки, «Қизил империя» тузумида тарихимиз, ёзувимиз, динимизга зарба берилди. Ҳалол, миллатпарвар ижодкорлар ўша кезда ҳам фикрларини пардалаб бўлсада, халққа етказишга ҳаракат қилдилар. Хатто тоталитаризм даврида тарихий ва замонавий мавзуларда ҳаққоний асарлар яратилди. Қаламкашларнинг эндиги вазифаси неча-неча авлодларимиз орзу қилиб келган мустақилликни мустаҳкамлашга камарбаста бўлишдир.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров қатнашди.

(ЎзА).

УЙҒОНИШ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

майди. Айрим ҳолларда, бирон бир ҳокимнинг ишораси билан фахрийлар гуруҳи, хотин-қизлар кенгаши, қаҳрамон оналар номидан бир хилдаги — «беҳад мамнунмиз» мазмунидаги офаринномалар ҳам келган. Шуниси ажабланарлики, «фаолларимиз»нинг ҳаммаси кўпинча бир кунда, бир вақтнинг ўзида нома ёзишади.

Яқинда хизмат сафари билан жумҳуриятимиз районларидан бирида бўлдим. Ҳокимга кўриниш бериш ниятида идорасига бош суқдим. Ҳоким юмуш билан чиқиб кетган экан, қабулхонада ёнғоқдеккина котиба қошларини чимириб, расмий тарзда «Хўш, хизмат?, деб қарши олди. Қабулхонада келиб-кетувчилар бир дақиқа нафас ростлаб олиши учун ҳатто битта курси ҳам қўйилмаган. Котибадан ҳокимни кутиб туриш учун изн сўрадим. «Марҳамат, биринчи қаватга тушиб, ўша ерда кутишингиз мумкин», деди. Тушиб, йўлакдаги шалоғи чиққан ўриндиқлардан бирига ўтиришим билан мендан баттар толиққан курси «уф» тортиб юборди. Яқинда сайланган ҳокимнинг бепарволигидан ранжидим. Ахир, бу ерга ҳар куни ўнлаб қария, онахонлар, ногиронлар, хуллас, тириклик кўйида юрган инсонлар келади. Уларнинг ҳар бири менга ўхшаб «ҳазрати олийлари»ни кутиб ўтирса, билингки, ҳокимдан ҳам, унинг ишидан ҳам норизо бўлади. Қизиғи шундаки, айнан ўша райондан бир одам Президентга нома ёзиб, ҳалиги ҳокимни кўкларга кўтариб мақтабди. Эҳтимол, сизни Президентга мақтаб ёздим, деб ҳокимнинг ҳузурига ҳам кириб чиққандир. Ким билсин, нима нарсалик бўлди экан.

XI асрнинг нодир ёзма ёдгорликларидан бири бўлмиш Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида битилишича, туркийлар элиги (подшоси) Кунтуғди халқнинг донишманд вакили Ўзғирмиш билан мактуб ёзишиб туради. Ўзғирмишнинг рост сўзлари подшоҳнинг мамлакатни идора қилишида жуда қўл келади. Шоҳ унга нома ёзиб, саройга хизматга таклиф қилганида Ўзғирмиш: «иккаламиз ҳам инсон бўлганимиздан кейин нима учун мен сенга топиниб сиғинишим, сенга хизмат қилишим керак?», деб таклифни рад этади.

Ўн аср аввал ўз шоҳлари билан самимий суҳбат қура олган халқ нечун бугун ўз раҳбарига кўнгил оча олмасин? Оча олади, кўнгил очадиган замон келди. Аммо бу муносабат табиий ва ҳаққоний бўлмоғи лозим.

Президент Ислом Каримов республика фаоллари билан бўлган бир йиғилишда турмушни тўғри ёритиш ҳақида гапириб, ҳаёт ҳақиқатини борича ифода этиш келгуси ишларимизни режалаштиришда катта аҳамиятга эгалигини таъкидлаган эди.

Тўғри сўз — жон озиғи, кўзимизни ўткир, тилимизни ботир қилади. У, айниқса, бугун истиқлолга юз бурган Ўзбекистон тақдири учун жуда зарурдир. Ватанимиз мустақиллигининг бир йиллиги тантанали нишонланадиган қутлуғ кунларда босиб ўтган йўлимизга бир назар ташлаш истаги пайдо бўлдики, юртбошига келган мактублар баҳонасида айрим масалалар юзасидан ҳам фикрлашиб олдик. Зеро, мақсад — ўзлигимизни англаш, бир-биримизга англатишдир.

Уктам МИРЗАЁР,
(ЎзА мухбири).

Сўраган эдингиз...

ШТАТ ҚАЙ ҲОЛЛАРДА ҚИСҚАРАДИ?

Меҳнатга янгича ҳақ тўлаш, хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи таъминлаш, бошқаришдаги ортиқча халқаларни бартараф қилиш, корхоналар, тузилмалар, тармоқларни йириклаштириш, ишлаб чиқаришда қўл кучига барҳам бериш, маълумки, ўз-ўзидан штат қисқаришига олиб келади.

Хўш, шундай ҳолда қандай ходимлар штат қисқаришига тушиши мумкин? Ўзбекистон Меҳнат қонунлари Кодексининг 42-моддасида бу нарса аниқ кўрсатилган. Масалан, олти ходимдан иккитаси ишдан озод қилиниши керак, деб фараз қилайлик. Аввало, уларнинг меҳнат маҳсулдорлиги ва малакаси ҳисобга олинади. Яъни бир ходимни ишлаш маҳсулдорлиги ортиқ, аммо малакаси кам, бошқасида эса унинг тескариси. Бундай вазиятда иккинчи ходим ишдан бўшатилади.

Агар ҳар иккисида ҳам маҳсулдорлиқ баробар бўлиб, малакалари ҳар хил бўлса, у ҳолда штат қисқаришига малакали киши тушади. Агар ходимларнинг маҳсулдорлиги ва малакаси баробар бўлса вазият ўзгаради. Бундай ҳолда ишда қолишда устунлик қуйидагиларга берилади:

— қарамоғида икки ва ундан ортиқ киши бўлган оилаларга, оилада бошқа мустақил иш ҳақи олиб ишловчи кишилари бўлмаган шахсларга, ушбу корхонада (муассаса, ташкилотда) кўп йиллик узлуксиз стажига эга бўлган ходимларга, меҳнатда жароҳат ёки касб касаллиги олган ишчиларга;

— ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиб, ўз малакасини ошираётган хизматчилар, уруш ногиронлари ва Ватанни ҳимоя қилишда ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчилар ва партизанларнинг оила аъзоларига ҳам ишда қолиш ҳуқуқи берилади.

Агар штати қисқартирилган ходим корхона (ташкилот)даги таклиф қилинган бошқа ишни ўтишга розилик бермаса, у ҳолда Ўзбекистон Меҳнат қонунлари Кодексининг 41-моддаси 1-банди (фақат касаба уюшмасининг розилигини олиб) билан ишдан бўшатилади.

Янгича иш ҳақи тўлаш билан штати қисқартирилган тизимига ўтиш муносабати ходимларни ишга жойлаштириш ҳақида гап борганда, аввало, уларни қайта тақсимлаш йўли билан корхона ичида ишга жойлаштириш мумкин. Масалан, ишни икки ва уч сменада ташкил қилиш бу усулнинг қулай йўлидир. Шунингдек, улар янги ишга туширилаётган корхона ва объектларга юборилади. Ишдан бўшаганларни республика шаҳар ва район халқ депутатлари ижроия комитетлари ишга жойлаштириш мажбур, буни амалга ошириш эса меҳнат бўйича органларга топширилган. Қоидада кўрсатилишича, агар корхонада штат қисқариши муносабати билан ишдан бўшаган ходимни бошқа ишга ўтказиш имконияти бўлмаса, у ҳолда корхона штат қисқаришига икки ой қолганида ишга жойлаштириш имкониятлари, шунингдек, қонунда кўрсатилган имтиёзлар ва компенсациялар (бир ойлик ўртача иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси) тўланади. Ишга жойлашиш имкони бўлмаса, у ҳолда ўртача иш ҳақи кўпи билан икки ойга сақлаб қолиниб, бунда ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобга олинади, ходим ишга жойлаштириш органига ўз вақтида, яъни икки ҳафта ичида мурожаат қилган, аммо бу орган уни ишга жойлаштирмаган бўлса, ана шу органнинг қарорига биноан, истисно тариқасида ишдан бўшатилган кундан бошлаб ҳисобланганда учинчи ой давомида ҳам ўртача иш ҳақи сақланиб қолади. Маъмурият бу ҳақда ходимга тушунтириш бериши шарт. Шу муддат ичида корхона халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ишдан бўшатиладиган ходимларни корхонанинг ўзида бошқа ишга ўтказиш мумкин эмаслиги ёки келгусида ишга жойлаштириш тўғрисида маълумот тақдим этади.

Хўш, кимлар штат қисқартирилганида ишдан бўшатилмайди:

а) ҳомиладор аёллар, эмизувчи оналар ва бир ёшгача болалари бўлган аёллар;

б) олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битирган ёш мутахассислар, ҳарбий хизматга чақирилувчилар;

г) ҳарбий йигин ва командирлик машқларига чақирилувчи ишчи ва хизматчилар ишдан бўшатилмайдилар.

А. ҲАСАНОВ,
маслаҳатчи-ҳуқуқшунос.

• Ака-сидо

ТОПТАЛМАСИН ИНСОН ҒУРУРИ

● Ўттиз йил хўжаликка раҳбарлик қилдим. Маншат, кайфу сафо, сайру саёҳат деган нарсаларга вақт топилмади. Тонг билан бирга далага чиқиб, ярим кечагача ишлашни кунлик одат деб билдим. Фақат соғлиғимни йўқотгандан кейнигина дўхтирларнинг тавсияси билан Кавказ ва Қримда даволаниб келдим. Қишлоқ хўжалигида ишловчи бошқа раҳбарларнинг ҳаёти ҳам менникидан яхши бўлган эмас.

Надоматлар бўлсинким, пировардида биз қўшиб ёзувчи деган тавқи лаънатни орттирдик. «Пахта иши» баҳонасида минглаб ўзбек оилаларининг юзига қора чаплашди. Пахтачи туманидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигида ишлаб турганимда мени ҳам чиғирикдан ўтказишди. Гдлян ва унинг гумаштали сўрови олдида довдирамадим. Улар ҳар қанча уринишмасин ниятларига ета олишмади. Аммо биргина бизнинг туманда Қурбон Ражабов, Рўзиқул Маҳманов, Эшонқул Жўраев каби ажойиб дўстларим, қалби пок инсонлар терговчиларнинг тазъйиқига дош беролмай ҳаётдан барвақт кўз юмдилар.

Раҳматлик Шароф отакинг ажойиб бир фазилати бор эди: у киши ишлайдиган кадрларни ниҳоятда қадрлар, уларнинг ҳурматини ҳамиша жойига қўяр эдилар. Хумор қишлоғидаги дастлабки қурилишларда шахсан иштирок этганлар, кўнглимни кўтарганлар. Нишонов эса йиллар давомида тарбия кўрган барча раҳбарларни ишхонасида ўтириб бир бошдан қатағон қилди. Бу ишни Гдлян, Иванов қўли билан амалга оширди. Очиғи мен шунча йил ишлаб, қўл остидагиларни бу қадар таҳқирлаган раҳбарни кўрмаган эдим. Илоҳим бундан кейин яна кўрмай...

Шамси НАЗАРОВ,
Меҳнат Қаҳрамони.

●

● «Узбеклар иши» бу — тўртта порахўрнинг қўлга тушиши эмас, балки, атайин пахта ўйланган режанинг оқибати.

Марказ томонидан Гдлян, Иванов ва минглаб десантчи кадрларнинг юборилиши Узбекистон бўйнидаги сиртмоқни маҳкамроқ тортиб қўйишга ишора эди. Минг афсуски, бу сиёсий ўйинда ўз юртдошларимиз асосий ижрочи бўлдилар.

Менимча, Президентимиз ўртоқ Каримов Олий Кенгаш сессиялари ва қишлоқ хўжалик ходимлари анжуманларида бу воқеага жуда тўғри, одилона баҳо берди. У киши «пахта иши» муносабати билан ноҳақ жазоланганларнинг юзини оқ этиб савобли ишга қўл урдилар.

Сиёсий курашда номардликлар кўп бўлар экан. Нишонов қилғилиқни қилиб қўйиб чеккага чиқмоқчи бўлди. Бироқ у халқимизнинг савиясини, жасоратини ҳисобга олмаган экан.

САМАРҚАНДЛИКЛАРНИНГ «ХИЁНАТ» МАҚОЛАСИГА МУНОСАБАТИ

(«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», ШУ ЙИЛ, 22 ИЮЛЬ).

Шу боис ўзининг юзи шувит бўлиб турибди... Дарвоқе, Нишонов мансабда пайтида ҳам бу гапларни унга рўйи рост айтишганди. Мақола муаллифлари ўша давр шароитига, раҳбарларнинг ҳаракатига жуда оқилона баҳо берганлар. Бунинг учун уларда маънавий ҳуқуқ бор, деб ўйлайман.

Ризоқул МИРЗАЕВ,
Самарқанд дорилфунуни проректори, фалсафа фанлари номзоди.

●

● «Бирники мингга, мингники — туманга» деган гап бежиз айтилмаган экан. Ўша даврдаги раҳбарлар ва гдлянчиларнинг қилмишлари туфайли халқимиз бошига не-не балолар ёғилмади.

Қатағон шу қадар авж олдики, раҳбарларнинг бутун бошли оилалари, қариндош-уруғларини ҳам бадном қилдилар. Биз, онам ва укаларим ана шундай кунларни бошдан кечирдик.

Отам Эргаш Нурматов 5 йил Улуғ Ватан урушида жанг қилган, 1960 йилдан буён Жомбойда турли хўжаликларни бошқарганлар. Она сути таъми оғзидан кетмаган тўртта милиционер бир ҳафта ичида отамни жиноятчига чиқариб қўйди. Бизга алам қилгани шундаки, ўша пайтда терговда ва суд жараёнида ўзимизнинг одамлар отамга нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлдилар. Охири у киши камерада суд ҳукми ўқилиши олдидан инсультга учрадилар ва касалхонада вафот этдилар.

Ўша пайтда укам Бахтиёр оқ қон касаллиги билан ўлди. Лекин отамни жанозага қўйишмади. Буниси ҳам ҳолва экан...

Мен вилоят партия қўмитасида инструктор эдим. Кўп ўтмай қўлимдан аризамни олишди. Район партия комитетида ишлаб турган укам Тўлқинни ҳам четга чиқаришди. Охирида давлат хавфсизлиги қўмитасида ишлайдиган укам Эркин меҳнат дафтарчасини кўтариб уйга кириб келди... Онам, укаларим билан не-не изтиробларни бошдан кечирдик. Онам бечора кечалари ухламасдилар. Хотинларимиз, болаларимиз яқин дўст ва қариндош-уруғларимиз чеккан ташвишларни айтмайсизми?!

«Халқ душманининг фарзанди» деган таънани эшитганимда юрагим ўртаниб, қоним қайнаб жонимга қасд қилмоқчи ҳам бўлардим. Онам «болам, оғир бўлинглар, бу кунлар албатта ўтиб кетади» деб далда берардилар.

Толеимизга шукурким, Ислом Каримов барчамизнинг юзимизни оқ қилдилар. Ўша пайтда ҳукуматга, раҳбарларга қаратилган нафратимиз бугунги кунга келиб ҳурматга, ишончга айланди. Туман ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиби Исроилов ҳузурига чақириб, мени билим юртига директор қилиб тайинлади. Укаларим ҳам ишлик бўлишди. Биз ўла ўлгунимизча ана шундай меҳрибон ҳукумат учун хизмат қиламиз.

Турсунбой НУРМАТОВ,
Жомбой туманидаги 14-ҳунар-техника билим юрти директори.

Ҳурриятнинг ҳур қизи

Содиқ МАҲКАМОВ олган сурат-лавҳа.

*

Тошкент—Урумчи ҳаво йўли

ТАНГРИ ТОҒИ САХОВАТИ

ЕКИ ИБН СИНО БАШОРАТИ

Асрий орзулар самараси бўлмиш мустақиллигимиз бир йилда халқимизга нималар берди? Нишонланажак байрамимиз арафасида ана шундай савол туғилиши табиий, Ўзбекистон жаҳонга қулоч очмоқда. Жаҳон эса бизга қўл беряпти. Душанба куни Тошкентдан Урумчига аэробусда биринчи марта парвоз қилганимизда ана шу фикрлар беихтиёр хаёлимдан ўта бошлади. Соатига 900 километр тезликда учаётган «Ил-86» самолёти дарёлар, жилғаларни ортда қолдириб, Тангри тоғи чўққилари узра уча бошлади. Қор кўрпасини ёпган мангу уйқудаги чўққилар тизмаси гўё бутун борлиқни иккига бўлиб тургандек. Жуғрофияда аталиб келинган Тянь-Шан тоғининг асли номи Тангри эканлигини нечундир эътибордан четда қолдирган эканмиз. Тангри сўзи юксак, осмонўпар, чексиз қудратли маъноларни англатар экан. Ҳозир бу азим ўркачлар узоқ йиллар мобайнида бўлинган бордикелдиларимизни яна тиклаш учун ўзининг қудратли елкаларини тутиб тургандек. Самолёт пастлашиб қадимий диёр — уйғурлар ватани пойтахти сари булутлар остида парвоз қилиб бормоқда. Нечундир улуғ олим Абу Али ибн Сино таърифлаган дарёлар ўнгимда кўринаётганидан аллақандай ғурурландим.

Буюк аллома ғарбдан шарқ томон оқаётган дарё сувини ичиш ошқозон хасталигида ғоят шифобахш эканлигини таърифлайди. У бундай дарёлар қуёш чиқишидан бошлаб то ботгунга қадар офтобдан нур эмиши, уни ичган қушлар кўп сайроқи бўлиши, қирғоқларидаги гиёҳлар ва ўсимлик оламининг гуллари нақадар гўзал очилиши, ранглар жилоси тароват яратиши ҳақида ёзган эди.

Самолёт Урумчига қўниб расмий маросимлардан кейин кўҳна шаҳарнинг кўчаларидан ўтиб бораётганимизда майдонларда сўзана бўлиб ёзилган гулзорлар ғоятда гўзал, қовун-тарвуз каби ноз-неъматлар хўб лаззатли эканлигига ишонч ҳосил қилганимда буюк бобомизнинг тафаккурига яна бир бор тан берган бўлдим.

Қадимда Катта карвон йўлининг бир неча сўқмоқларини бирлаштирган уйғурлар диёри биз учун ҳамиша қадрдондир. Икки халқ савдо-сотиқ ва маданий бордикелдилар оқибатида бир-бири билан қуда-андалашиб, чатишиб кетган. Дини, тили, урф-одатлари, санъати бири-бирига ўхшаш икки халқ бугун яна ҳаво йўли воситасида юз кўришмоқда.

Ҳаво йўли очилиши муносабати билан сафарга бошчилик қилган Ўзбекистон «Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбарининг биринчи муовини Арслон Рўзметов, Шингжонг авиакорхонаси раҳбари Не Шеи Ли, автоном район Кенгаши раиси муовини Ван-Юсен ва бошқаларнинг маросимларда айтган сўзларида, ўзаро суҳбатларида янги ҳаво йўли яхшиликка хизмат қилиши хусусида фикрлар айтилди. Бир кунлик сафаримиз чоғидаги учрашувларда, ўзбек санъаткорларининг чиқишлари файзли бўлди. Авиакомпания қошида тузилган Гулчеҳра Юсупова бошчилигидаги «Феникс — Гули интернейшнл» қўшма корхонаси яхши маданий хизматлар қилди. Унинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Элмурод Исломов, санъаткорлар Олим Орифжонов, Мирҳосил Азизов, Раъно Зокирова каби ижрочилари санъати ҳаммага манзур бўлди.

Урумчи вақти билан кеч соат 10 да биринчи тоифали учувчи Салоҳиддин Қодиров сардорлигида бошқарилаётган аэробус ҳавога кўтарилгач кутилмаганда кичкина маросим бўлиб ўтди. Сафимизга Хитой томонидан биринчи йўловчи қўшилган экан. Унга — Шингжонг компьютерлар корхонасининг раҳбари Пань Чун Ченга эсдалик совғалари топширилди. Хитой йўловчиси бундай деди:

— Ўзбекитон авиаторларининг бу парвози саноатчилар учун жуда ҳам зарур эди. Энди айни муддао бўлди. Тошкентга ҳамкасбларим ҳузурига бораётирман. Энди ишларимиз яхши юришиб кетади, деган умиддаман.

Аэробус Тошкентга маҳаллий вақт билан 10.30 да қўнганда ҳаммамиз авиаторларимиз маҳоратини олқишладик.

Чоршанба куни қардошларимиз бошқарган биринчи самолёт ҳам Урумчидан шаҳримизга келиб қўнди.

Икки қадимий диёр йўловчиларига янги ҳаво йўли муборак бўлсин.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» газетасининг махсус мухбири,
ТОШКЕНТ — УРУМЧИ — ТОШКЕНТ парвози қатнашчиси.

Урумчи аэропортида маросим лавҳалари.

Е. БОТИРОВ суратлари.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ;

● СОЛИҚ САДАҚА ЭМАС ЕКИ ДАВЛАТ СОЛИҒИНИ ТЎЛАШДАН БУЙИН ТОВЛАЕТГАНЛАР.

● АВВАЛО МИЛЛИЙ ҒУРУР КЕРАК.

● ИЗЛАНИШ ВА ҲАМКОРЛИКДА ЯРАТИЛГАН АНТИҚА ЧОЙ.

● БЕРГАН ТУЗИМНИ ОҚЛАДИНГ ЕКИ БОБОЛАРИМИЗ МАРДЛИГИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ.

«Ўзбекистон овози» газетасининг

ЖАРЧИНОМАСИ

БУХОРО ШАҲРИДА БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ СПОРТ ЗАЛИ БИНОСИДА

1992 ЙИЛНИНГ 17—18 СЕНТЯБРИДА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИНИ УЛГУРЖИ СОТИШ ВА ХАРИД ЭТИШ БУЙИЧА

МИНТАҚАЛАРАРО ЯРМАРКА ЎТКАЗИЛАДИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги барча республикалар улгуржи чакана савдо ташкилотлари ва саноат корхоналари вакиллари ярмаркада иштирок этишга таклиф қилинади.

Қатнашчиларнинг келиши 1992 йил 15—16 сентябрь.

Ярмаркада қатнашув пуллик.

Маълумот учун телефонлар:

Тошкент шаҳрида — 33-64-16, 33-90-91.

Бухоро шаҳрида — 4-32-77, 4-22-77.

«ЎЗБЕК САВДО» ДАВЛАТ АССОЦИАЦИЯСИ, ЎЗБЕКБИРЛАШУВ, «ЎЗПОСРЕДТОРГ».

МЕДИЗ

БАРЧА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР, БОЛАЛАР УЙЛАРИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Бир марта қўлланувчи тиббий шприцлар ишлаб чиқарувчи «Медиз» заводи 1,0 мл., 2.0 мл., 5,0 мл. ҳамда 10,0 мл. ҳажмлардаги шприцларни Испания технологияси бўйича ишлаб чиқармоқда.

Сақланиш муддати 5 йил бўлган бу шприцлар Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг барча талабларига жавоб беради.

ШПРИЦЛАР ҚУЙИДАГИ ЙЎЛЛАР БИЛАН СОТИЛАДИ:

барча тиббий ва болалар муассасаларига — вилоятлар ва Тошкент шаҳри «Тибтехника» бирлашмалари орқали;

аҳолига — барча «Тибтехника» ва «Оптика» дўконларидан шифокор қоғози (рецепт) ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаётганлиги қайд этилган ҳужжат орқали.

Алоқа учун телефонлар: 64-15-94, 64-38-91.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент молия институти ректорати, касаба уюшмаси «Тарих» кафедрасининг доценти

Абдували УМРЗОҚОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Давлат-кооператив ишлаб чиқариш мева-сабзавот бирлашмаси жамоаси бирлашма раисининг биринчи ўринбосари А. М. Қаюмжонова акаси, уруш ветерани

Абдулахат Муталовичнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15. Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.00. № 169. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.